



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 22 август, № 173 (8516)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ОЗАРБАЙЖОН РЕСПУБЛИКАСИГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Озарбайжон
Республикаси Президенти
Илҳом Алиевнинг таклифига биноан
22-23 август кунлари давлат ташрифи
билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф дастурида олий даражадаги музокаралар ҳамда
икки мамлакат етакчилари иштирокидаги бошқа тadbир-
лар ўтказилиши кўзда тутилган.

Кун тартибидан Ўзбекистон — Озарбайжон стратегик
шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва усту-
вор йўналишлардаги амалий ҳамкорлиқни кенгайтириш
масалалари ўрин олган.

Музокаралар якунида икки томонлама битимлар қабул
қилиниши режалаштирилган.

Ў.А.

БИР ОСМОНГА ТАЛПИНГАН ИККИ ЮРАК

Озар ва ўзбек — нафақат бугун, балки қадимдан ўз
қардошлигини кўз қорачигидек асраб-авайлаб
келаётган, ишонч булогидан бирга сув ичган, ўртада
мустаҳкам садоқат кўприкларини тиклаган, қисқача
айтганда, икки оға-ини халқ. Унутмаслик лозимки, бу
оға-иничилик фақат халқлар ўртасида эмас, давлатлар
ўртасида ҳамдир.

Қадим ўтмишга назар
солсак, ўзбек ва озар халқ-
лари бир-бирининг уйида
меҳмон бўлиб, қадрият ва
анъаналарини улуғлагани,
тонглар қадар байрам
қилиб қувонч билан яхши
кунларни кутиб олгани,
бир-биридан илҳомланган-
ни, бир-бирига устозу шо-
гирд бўлганини кўришимиз
мумкин. Қувончиларимиз,
бугун ҳам ўша одат ва анъ-
аналар давом этмоқда, мил-
латларимиз бир-бирига ҳар
қандай кунда елка тутиб,
дилдош, сирдош бўлмоқда.

Маданиятимиз ўчоқлари
гуриллаган, адабиётлари-
миз уйғунлашиб кетган за-
монларни бир эсга олайлик.
Хусусан, Алишер Навоий-
нинг Низомий Ганжавий
меросига бўлган юксак
эҳтироми бугун ҳам биз
учун яққол намуна. Ўз
навбатида, Алишер Навоий-
дан таъсирланиб гўзал
асарлар битган Озарбай-
жон шоирлари ҳам бу улуг
сўз даҳосига ҳурмат бажо
келтириб, ўзига буоқ устод
деб билишган.



Ўзбекистон — Озарбайжон:

ХАЛҚЛАРИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

Озарбайжон 1991 йил 28 декабрда Ўзбекистон
мустақиллигини тан олди, 1995 йил 2 октябрда
мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари
ўрнатилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида тарихан
шакланган яқин дўстона муносабатлар ўз тараққиётининг
сифат жиҳатдан янги босқичига кўтарилган. Олий даражадаги
мунтазам ва самарали мулоқот туфайли Ўзбекистон ва
Озарбайжон ўртасидаги стратегик шериклик ҳамда кўп қиррали
ҳамкорлик муносабатлари барча йўналишда жадал равнақ
топмоқда.

Хамкорлик



Эслатиб ўтамиз: 2022 йил 21-22 июнь
кунлари Озарбайжон Президенти
Илҳом Алиев Ўзбекистонга давлат таш-
рифи билан келди. Ушбу ташриф икки
томонлама муносабатлар тарихида
муҳим воқеа бўлди, чунки унда икки
давлат ўртасида Стратегик шериклик-
ни чуқурлаштириш ва ҳар томонлама
ҳамкорлиқни ривожлантириш тўғри-
сидаги декларация қабул қилинди.

Ўзбекистон ва Озарбайжон раҳбар-
лари 2022 йил сентябрь ойида Шан-
хай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Дав-
лат раҳбарлари кенгашининг йиғили-
ши доирасида Самарқанд шаҳрида ҳам
учрашди, унда раислик қилаётган мам-
лакатнинг фахрий меҳмони сифатида
Президент Илҳом Алиев иштирок этди.

Ўша йили 10-11 ноябрь кунлари
Президент Илҳом Алиев рафиқаси,
биринчи Вице-президент Меҳрибон
Алиева билан биргаликда Туркий
давлатлар ташкилоти (ТДТ) Давлат
раҳбарлари кенгаши йиғилишида иш-
тирок этиш учун Самарқанд шаҳрига
ташриф буюрди.

Жорий йил март ойида давлатимиз
раҳбарининг 1-2 март кунлари бўлиб
ўтган Қўшилмаслик ҳаракати саммити-
да иштироки доирасида икки мамла-
кат Президентлари Бokuда учрашдилар.

2017 йилдан буён олий даражадаги
мулоқотнинг фаоллашуви делегация-
лар алмашувининг жадаллашишига
кўмаклашмоқда. Олти йил давомида
томонларнинг 70 дан ортиқ юқори да-

ражадаги ташриф алмашувлари бўлиб
ўтди.

Парламентлараро ҳамкорлик ҳам
фаол ривожланмоқда. 2020 йили икки
мамлакат қонун чиқарувчи органла-
ри — Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси ва Озарбайжон Миллий
Мажлисида парламентлараро ҳамкор-
лик гуруҳлари тузилди. 2022 йилда
икки мамлакат парламентлари пала-
таларининг раислари ва спикерлари-
нинг қатор ўзаро ташрифлари бўлиб
ўтди, ташрифлар давомида улар
Ўзбекистон Президенти ва Озарбай-
жон Президенти томонидан ҳам қабул
қилинди.



Дунё нигоҳи

ЎЗБЕКИСТОН ВА ВЕНГРИЯ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 19-20 август кунлари Венгрияга
амалий ташрифи халқаро эксперт ва ишбилармон доира вакилларининг диққат
марказида бўлмоқда.

Халқаро экспертларнинг айтишича, Ўзбекистон ва Венгрия икки томонлама
ҳамкорлиқни янада кенгайтириш учун катта имконият ва салоҳиятга эга.

Ван ХАНЬ,
«Чен Кунь» бизнес мактаби лойиҳа
раҳбари (Хитой):

— Президент
Шавкат Мирзиёев
Будапештга таш-
рифи чоғида Вен-
грия Бош вазири
Виктор Орбан би-
лан икки томонла-
ма стратегик ше-
рикликни янада
чуқурлаштириш



ва кўп қиррали ҳамкорлиқни ривожланти-
риш масалаларини муҳокама қилди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон кейинги
йилларда барча давлатлар билан савдо-
иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлиқни фаол
ривожлантирмоқда. Бунинг шарофати билан
Европа йўналишидаги ҳамкорликда катта му-
ваффақиятлар кўлга киритилаяпти.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамоли-
гида иқтисодиётни либераллаштириш бора-
сида амалга оширилаётган кенг қўламли ис-
лохотлар туфайли Ўзбекистон Венгрия учун
жозибадор бозорга айланаётир. Жумладан,

Тошкентда Венгриянинг “ОТР” банки иш
бошлади. Венгриянинг “Bonafarm”, “Gedeon
Richter”, “Meditop”, “Wizz Air” каби қатор
йирик компаниялари Ўзбекистонда қўша
лойиҳаларни амалга оширишда фаол ишти-
рок этмоқда.

Ушбу омилларнинг барчаси самарали
ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш ва Ўзе-
кистон билан Венгрия ўртасидаги страте-
гик шериклиқни янги амалий мазмун билан
тўлдириш учун мустаҳкам асос бўлиб
хизмат қилаяпти.

Шерадил БАКТИГУЛОВ,
Қирғизистон Президенти ҳузуридаги
Миллий стратегик тадқиқотлар
институтининг илмий ходими,
сиёсатшунос:

— Янги Ўзбекистон сиёсати ўзининг
юксак самараларини бермоқда. Президент

Шавкат Мирзиёев-
нинг Венгрияга ама-
лий ташрифи ташки
сиёсатдаги тектоник
характердаги жиддий
ўзгаришлар шарои-
тида муҳим аҳамият-
га эга. Шу ўринда
таъкидлаш кераки,
Венгрия иқтисодий
жиҳатдан барқарор
ва ўзини ўзи таъмин-
лайдиган давлат бўлиб,
унинг даромад ва
молиявий имкониятлари
кейинги ўн йилда
кескин ўсишга эришди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташри-
фи 20 август Венгрия асосий давлат байра-
ми — авлиё Иштван кунини нишонлаш са-
насида тўғри келиши ҳам рамзий маънога эга.



Мулоқот

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева
мамлакатимизда ташриф бўлиб турган
Фаластин давлати ташқи ишлар ва муҳожирлар вазири
Риёд Малкини қабул қилди.

Унда Ўзбекистон билан
Фаластин ўртасидаги кўп
томонлама, хусусан, иқти-
содий, маданий-гуманитар
соҳалар ҳамда парламент-
лараро алоқаларни ривож-
лантириш масалалари
кўриб чиқилди.

Суҳбат давомида савдо-
иқтисодий муносабатлар
икки томонлама ҳамкорлик-
нинг муҳим йўналишлари-
дан эканлиги, шу нуктаи на-
зардан, қишлоқ хўжалиги ва

саноат маҳсулотларини
ишлаб чиқариш, фармацев-
тика ва тўқимачилик соҳа-
ларида қўша лойиҳаларни
йўлга қўйиш зарурлиги
алоҳида таъкидланди.

Сенат Раиси турли дара-
жаларда ўзаро ташрифлар-
ни ташкил этиш ва тажри-
ба алмашиш орқали Ўзе-
кистон ва Фаластин ўрта-
сидаги алоқаларни кучайти-
риш таклифини билдирди.



Акс садо

МУЛОҚОТ МАЙДОНИДА ЯНГРАГАН ЯНГИ ҒОЯ ВА ТАШАББУСЛАР

иқтисодиётимизнинг кенг уфқлари сари йўл очади



4-саҳифага қаранг. ➡

Фракцияларда

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2023 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИКДАГИ ИЖРОСИ КўРИБ ЧИҚИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий
партиялар фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди.
Унда депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат
бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари
бюджетларининг 2023 йилнинг биринчи ярим
йилликдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб
чиқдилар.

Таъкидланганидек, кейин-
ги йилларда мамлакатимиз-
да барча соҳада тўб ислохот-
лар амалга оширилди. Ай-
ниқса, сўнгги олти-етти
йилда иқтисодий соҳада
ўзига хос янгиланишлар
даври бўлди. Хусусан,
давлат бюджети очикилиги
ва шаффофлиги борасида

ижобий ўзгаришларга
эришилди. Бюджет маб-
лағлари сарфлашишида
жамоатчилик назорати,
аҳоилининг бюджет маблаг-
ларини тақсимлаш жараёни-
даги фаол иштирокини яна-
да кучайтиришга алоҳида
эътибор қаратилди.



Ўзбекистон — Озарбайжон:

ХАЛҚЛАРИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

1 Парламентлар вакиллари Ўзбекистон ва Озарбайжонда бўлиб ўтган Президент ва парламент сайловларида халқро кузатувчи сифатида, шунингдек, халқро аҳамиятга молик турли тадбирларда мунтазам равишда иштирок этиб келишмоқда.

2016 йил сентябр ойидан буён икки мамлакат ташки сиёсат идораларининг раҳбарлари даражасида еттига учрашув ўтказилди.

2022 йил 1 август куни Тошкентда Ўзбекистон, Озарбайжон ва Туркиянинг ташки ишлар, иқтисодий ва транспорт вазирларининг биринчи уч томонлама йиғилиши ташкил этилди, унинг якунлари бўйича Тошкент декларацияси қабул қилинди.

Ўзбекистон ва Озарбайжон БМТ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, Ислон ҳамкорлик ташкилоти, МДХ ва Қўшилмаслик ҳаракати доирасида яқиндан ҳамкорлик қилаётгани баробарида бир-бирининг ташаббусларини қўллаб-қувватламоқда.

Ўзбекистон ва Озарбайжон БМТнинг халқро кун тартибидеги асосий масалалар, шу жумладан, хавфсизликка замонвий таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш, ядро қуролини тарқатмаслик режимини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ҳимояси, Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш ва бошқа йўналишлар бўйича ўхшаш нуктаи назарга эга.

Озарбайжон Марказий Осиёда ҳамкорликини мустаҳкамлаш (2018), Маърифат ва диний бағрикенглик (2018), сайёҳликини ривожлантириш (2019), Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш (2021), Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликини мустаҳкамлаш (2022), Барқарор ривожланиш мақсадларига эришилгани жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш (2022) бўйича Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган резолюцияларни қўллаб-қувватлади ва ҳаммуаллиф бўлди.

Шунингдек, Озарбайжон Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) Бош Ассамблеяси 25-сессиясининг 2023 йилда ўтказилиши учун Самарқанд шаҳри номзодини қўллаб-қувватлади. Ўзбекистон ва Озарбайжон бошқа давлатлар билан биргаликда тақдим этган тўртта кўп миллатли файллар — “Наврўз” (2016), “Миниатюра санъати” (2020), “Ипчилик ва тўқши учун ипакнинг аънавий ишлаб чиқарилиши” ҳамда “Хўжа Насриддин ҳақидаги латифаларни тақорролаш аънавалари” ЮНЕСКО Репрезентатив рўйхати (2022) киритилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо алоқалари эркин савдо режимида амалга оширилмоқда. 1998 йилда тузилган Ҳамкорлик бўйича ҳукуматларро қўшма комиссия савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг самарали механизми ҳисобланади.

Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида товар айланмаси 2016 йилдан буён 6 баробар ошди, 2022 йил якунлари бўйича 180 млн. доллардан зиёдин ташкил қилди. Жорий йилда ҳам савдо айланмаси ўсишда давом этди — 2023 йилнинг 7 ойи давомида бу кўрсаткич 144 млн. долларга етди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Озарбайжон капитални иштирокидаги 203 корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг асосий фаолият йўналишлари савдо, машинасозлик, металлургия ишлов бериш, молия ва сугурта, кўчмас мулк билан боғлиқ фаолият, энергетика, хизматлар, заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш, озиқ-овқат ва енгил саноатни қамраб олган.

2020 йили ташкил этилган Ўзбекистон — Озарбайжон Ишбилармонлар кенгаши муваффақиятли фаолият юритаётгани ҳолда мунтазам равишда турли йиғилишларни ўтказмоқда.

Жорий йил февраль ойида Ўзбекистон ва Озарбайжон ўстав капитални 500 млн. долларни ташкил этадиган инвестиция жамғармасини тузди. Жамғарма маблағлари қўшма лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилади.

2021 йилдан буён икки мам-

лакат тадбиркорлари кооперация алоқалари ва сармоявий ҳамкорлики йўлга қўйиш мақсадида уюштирилган бизнес форумлари ва кўргазмалар доирасида бир неча маротаба учрашдилар. Уларнинг якунлари бўйича ўн миллионлаб АҚШ доллари миқдорига тенг шартномалар имзоланди.

Транспорт соҳаси Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг иқтисодий раънақи учун муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда Озарбайжон ва Ўзбекистон ўзларининг салоҳиятларини теран англаган ҳолда Марказий Осиё ва Кавказнинг марказий хабиға айланиш учун миллий ва минтақавий даражадаги савий-ҳаракатларни ҳаётга татбиқ этмоқда.

Бундай шароитларда мамлакатларимизнинг ушбу икки минтақани боғлайдиган транспорт йўлакларини ривожлантиришга интилиши жуда муҳим аҳамият касб этади. Бу ўзаро юк ташиш ҳажмини кўпайтиради ва нафақат икки мамлакат, балки бутун минтақа миқёсида транзит салоҳиятини оширади.

Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги минтақаларро ҳамкорлик ҳам сезиларли даражада фаоллашди. Ҳозирги кунларда Бокудан Тошкент, Самарқанд, Урганч ва Фарғона шаҳарларига тўғридан-тўғри ҳаво қатновлари йўлга қўйилган. Минтақавий делегацияларнинг ўзаро ташрифлари мунтазам равишда амалга оширилмоқда. Жорий йил февраль ойида Тошкентда Ўзбекистон — Озарбайжон минтақаларининг биринчи форуми бўлиб ўтди. Самарқанд ва Ганжа, Хива ва Шуша, Бухоро ва Ланкарон, Қўқон ва Шеки шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги маданий-гуманитар алоқалар ҳам жадал суръатларда ривожланмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Президенти Илхом Алиев билан Тошкентда бўлиб ўтган учрашув чоғида “Ўзбекистон ва Озарбайжон халқларини бирлаштирувчи асосий қадрият — бу маданиятдир”, дея таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, икки мамлакат ўртасидаги маданий ва маъна-

вий алоқалар чуқур тарихий ил-дишларга эга. Ўзаро алоқалар асрлар давомида ривожлана бо-ри ғоявийлик ва моҳият нуктаи назаридан бир-бирига ҳамоҳанг, шакл ва мазмун жиҳатдан уйғунлик касб этган. Ўзбек ва

Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида товар айланмаси 2016 йилдан буён 6 баробар ошди, 2022 йил якунлари бўйича 180 млн. доллардан зиёдин ташкил қилди. Жорий йилда ҳам савдо айланмаси ўсишда давом этди — 2023 йилнинг 7 ойи давомида бу кўрсаткич 144 млн. долларга етди.

озарбайжон халқларининг атоқли намоёндалари жаҳон маданияти, илм-фани ва адабиётига бекиёс ҳисса қўшган. Икки халқ адабиётининг буюк намоёндалари — Алишер Навоий, Низомий Ганжавий, Имоиддин Насимий, Муҳаммад Фуззулининг номлари ва бебаҳо мероси Ўзбекистон ва Озарбайжонда беҳад эъзозланади, авайлаб асрлади ва чуқур ўрганилади. Икки давлат пойтахтларида Алишер Навоий (Боку) ва Низомий Ганжавий (Тошкент) ҳайкаллари ўрнатилган.

Умуман олганда, ҳар икки мамлакатда ўтказиладиган маданий ва бошқа турли тадбирларда қатнашадиган, шу жумладан, юқори даражадаги делегацияларнинг ўзаро алмушварлари мунтазамлик касб этган. Булар мусика фестиваллари, Ўзбек ва озар халқларининг буюк аждодлари ижоди ва меросига бағишланган илмий анжуманлар, кино ва маданият кунлари, кўргазмалар ва бошқалардир.

Ана шундай тадбирлардан бири — яқинда, август ойи бошида Бокуда катта муваффақият билан ўтказилган Ўзбекистон маданияти кунлари бўлди. Ушбу маданият кунлари доирасида уюштирилган тадбирларда маданият вазирни Озодбек Назарбеков бошчилигидаги нуфузли делегация иштирок этди. Дастурдан

Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг машҳур санъаткорлари иштирокида катта концерт, театр томошалари ва бошқа тадбирлар жой олди, улар Озарбайжон жамоатчилиги томонидан чексиз илиқлик ва самимият билан қаршиланди.

Жорий йил апрель-май ойларда мамлакатимизда Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатлари ривожига бекиёс ҳисса қўшган Озарбайжоннинг умуммиллий етакчиси Хайдар Алиевнинг 100 йиллигига бағишланган қатор маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда истикомат қилаётган озар миллатига мансуб аҳоли вакиллари ҳам халқларимиз ўртасидаги қардошлик алоқаларини мустаҳкамлашга ўзларининг салмоқли ҳиссасини қўшмоқда. Ўз маданияти ва аънаваларини авайлаб асраш, миллатларро тотувлик ва диний бағрикенгликини мустаҳкамлаш, динлараро мулоқотни кенгайтириш, таълим ва ёшларни ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда уларга 2003 йили тузилган Озарбайжон маданий марказлари уюшмаси, шунингдек, Озарбайжон маданияти маркази яқиндан кўмаклашмоқда.

Умуман олганда, бугун комил ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг қардошлик алоқалари кун сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Булажақ олий даражадаги саммит халқларимиз фаровонлиги йўлида икки мамлакат ҳамкорлигини мустаҳкамлаш йўналишидаги муҳим босқич бўлиб қолади.

«Дунё» АА.

БИР ОСМОНГА ТАЛПИНГАН ИККИ ЮРАК



Дарҳақиқат, Алишер Навоийнинг Низомий Ганжавийдан таъсирлангани, уни ўзига устоз деб билиши, ижодий йўлини давом эттириб, туркий тилда “Хамса” яратиши биродарлигимизнинг олтин саҳифаси, десак, муболага эмас.



Ундан кейинги асрларда ҳам миллатларимиз раънақ топди, ўз ўрнида адабиётларимиз ҳам гуллаб-яшнаб, адабиёт бўстониға анги-дан-янги номлар кириб кел-ди. Улуғ шоирларимиздан қолган биродарлиқ ришталари яна мустаҳкамланиб, сайқал топиб бораверди. Бугун ҳам дўстлик аънаваларига содиқ яшаямиз, бунинг ўз ичидимиз, ёзган асарларимиз орқали улуғлашга ҳаракат қиялғимиз.

Қайд этиш жоизки, икки мамлакат истиклол байроғини қўлга киритгач, қўллаб-қувватлашга шоир-ёзувчилар, адабиёт-шунослар, драматурглар, жумладан, айни пайтда ёш ижодкорлар ҳам ўзбек — озар адабиётига, Ўзбекистон — Озарбайжон адабий-маданий алоқаларига янгича нафас олиб киришди.

Марказий Осиёдаги биродарларимиз билан энг яқин адабий алоқалар Ўзбекистон билан йўлга қўйилган ва бунинг асоси билан йўлга қўйилган. Ўзбекистон матбуотида Озарбайжон, Озарбайжон матбуотида ўзбек ижодкорларининг асарлари чоп этилаётганига тез-тез қўзимиз тушади. Мабодо, икки мамлакатдаги исталган кутубхонаға киргудай бўлсангиз, улуг ёзарларимизнинг — ўзбек кутубхоналарида Насимийдан тортиб Аноргача, Озарбайжон кутубхоналарида Захириддин Муҳаммад Бобурдан то Эркин Аъзамгача бўлган ижодкорларнинг китобларини учратишингиз мумкин.

Икки давлат ижодкорлари ўртасида борди-келди кўпайган, ёзувчилар уюшмалари ҳамкор тадбирлар, учрашувлар, китоб форумлари ўтказмоқда. Буларнинг ҳаммаси, албатта, икки дўст айро қолмаслиги, кўнғилларимиз ҳамиша яқин бўлиб туриши учун.

Айни кунларда Дунё ёш турк ёзарлар бирлиги томонидан Бокуда “Мустақиллик даври ўзбек шеърияти” номли антология нашрга тайёрланмоқда. Мазкур тўпламға ўзбек адабиётининг энг кўзга кўринган дарғаларидан тортиб ёш шоирларгача ўрин олади. Ўтган йили нашр

қилиниб, ўқувчиларға етиб борган “Ўзбек шеърияти гулчамбири” тўплами ҳам шеърият муҳиблари томонидан яхши кутиб олинди.

Ўз ўрнида, Ўзбекистонда ҳам Озарбайжон шеърияти, насри антологиялари чоп этилди. Жумладан, Ўзбекистонда “Хаёлимни қақирдим” номли шеърий китобин нашрдан чиқди ва Тошкентдаги Адилбар хиёбонида тақдимиот ўтказилди. Тақдимиот баҳона дийдорига соғинган дўстларимни қўриб, тафтиға тўйиб улғурмай уйға қайтдим. Истардимки, ҳар йили, ҳар фасл бир-биримизнинг уйимизда, кўнғилимизда кўноқ бўлсак, меҳримизга, муҳаббатимизга оз бўлса-да тўёлсак...

Бир нарсани таъкидлашим жоизки, ўтган йили Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан 100 йиллик “Туркий адабиёт дурдоналари” нашр этилиши мамлакатлар ва адабиётларимиз тарихидаги биринчи ҳамда энг катта иш бўлди, десак, муболага эмас. Ушбу тўпламдан Озарбайжон ижодкорларига каттагина жой ажратилган. Мен бунинг адабиёт тими-сида Озарбайжон халқига, сўз санъатига, ҳар бир ватандошимга бўлган юксак ҳурмат нишончаси, деб биламан.

Унутмаслик жоизки, Марказий Осиёдаги қардош давлатлар, хусусан, Ўзбекистон билан иқтисодий-сиёсий, ижтимоий-маданий, айниқса, адабий ҳамкорликини ривожлантириш миллий аънаваларимиз, муштарак қадриятларимиз, миллий ютуқ ва замонвий даврдаги вазибаларимиз нуктаи назаридан жуда муҳим. Биз бугун ўз вазибаларимизни сидқидилдан адо этишға ҳаракат қиялғимиз, ўйлашмича, бунинг удаллай олялғимиз.

Биз қардош Ўзбекистонни, самимий ва меҳмондўст ўзбек халқини, сермизмун ва гўзал адабиётини ҳамиша яхши кўрамыз, юракдан қадрлаймиз. Сўнгги йилларда ҳамкорлигимиз янги мазмун, янги моҳият ва уфқ касб этаётгани ҳеч кимға сир эмас. Бугун биз тезкор, рақамлашган жамятда яшаямиз, бироқ ҳеч ким истақларимизга, юракларимизга қаршилиқ кўрсатолмайди. Биз — бир осмонға талпинган икки юракмиз. Илоҳим, бу икки юрак ҳеч қачон уришдан тўхтамасин. Озарбайжон ва Ўзбекистоннинг қардошлиги абадий, биродарлиги асрларға татигулик бўлсин!

Акбар ҚўШАЛИ, Озарбайжон Миллий Мажлиси эксперти, ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир.

«Дунё» АА.

Боку

ЎЗБЕКИСТОН ВА ВЕНГРИЯ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА



Бу воқеалар беихтиёр мамлакатда содир бўлаётган ҳарёналар — янги Ўзбекистонни барпо этиш билан боғлашға сабаб бўлади. Албатта, тарихий шароитлар бошқача бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда, аммо бугунги Венгрия Европанинг муваффақиятли давлати, шунингдек, халқро майдонда нуфузли сиёсий кучға эға. Ўзбекистон ҳам бу йўлдан ишонч билан одимламоқда. Шунингдек, Президент Шавкат Мирзиёевнинг мутаносиб сиёсати туфайли Фарб давлатларининг Марказий Осиё минтақасига муносабати ўзгармоқда.

Жорий йилнинг июль ойида иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Венгрия ҳукуматларро комиссиясининг 8-йиғилишидан сўнг ушбу давлат ташки ишлар ва савдо вазирни Петер Сийярто шундай деган эди: “Марказий Осиёнинг аҳамиятини биз бу минтақа билан ҳамкорликини йўлга қўйиш учун жиҳдий савий-ҳаракатларни бошлаган пайтимизда, мийиғида қулиб қараганлар ҳам эндин тан олмоқда”.

Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги ҳамкорлиқнинг иқтисодий режалари қўлами, энг муҳими, амалийлиги билан ҳайратда қолдиради. Шулардан

Йоанна МАРШАЛЕК-КАВА, Николай Коперник университетининг Сиёсий ташкилотлар кафедраси мудири, профессор (Польша):



— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Венгрияға ташрифи ҳар икки давлат учун ҳам аҳамиятли ва жуда фойдали воқеадир. Албатта, бу, биринчи навбатда, муносабатларнинг иқтисодий таркибий қисмини ривожлантириш ва чуқурлаштириш нуктаи назаридан муҳим ташриф бўлди. Импорт, экспорт, сармоя, капитал ҳаракати, янги ишлаб чиқаришларнинг очилиши, технологиялар алмашинуви — қисқа ва ўрта муддатли истиқболда икки томонлама иқтисодий муносабатларнинг асосий ташкил этади.

Шарқий Европа мамлакатларида хусусий секторнинг самарали фаолият юритиши уларнинг иқтисодий ўсиши ва фаровонлигини таъминлаб, камбағалликини қисқартиришға ёрдам беради. Венгрияда сармалар, даромадди ва барқарор корхоналар қуриш бўйича катта тажриба тўпланган бўлиб, Ўзбекистон томонидан ушбу тажрибанинг жорий этилиши мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратишнинг муҳим шартидир.

Венгрия, шунингдек, ўзбек ишчилари ва мутахассислари учун катта ҳамда хавфсиз меҳнат бозори туфайли Ўзбекистон учун фойдали бўлиши мумкин. Европанинг айрим мамла-

Сулаймон ХИБЕЧИ, Эроннинг «Ala Tejarat Mahad Qabous» компанияси директорлар кенгаши раиси:



— Сўнгги йилларда Ўзбекистон билан Венгрия ўртасидаги муносабатлар ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама форматларда жадал кенгайиб, стратегик шериклик даражасига кўтарилаётганининг гувоҳи бўлялғимиз.

Шу кунға ўтказилган икки томонлама саммитлар якунлари Ўзбекистон — Венгрия ҳамкорлигини янада ривожлантириш, расмий Тошкент ва Будапешт ўртасидаги кенг сиёсий мулоқот ҳамда жамоатчилик билан алоқаларни чуқурлаштириш таъминлади.

Бундан ташқари, икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик изчил ўсиб бормоқда, бунинг яққол кўрсаткичи сўнгги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг 3 баробар ортганидир.

Ишончим комилки, Ўзбекистон ва Венгрия икки томонлама ҳамкорликини янада кен-

бири — Венгрия фармацевтика, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат компаниялари учун эркин иқтисодий зона ташкил этишдир. Шунингдек, Венгриянинг “ОТР” банки Ўзбекистондаги йирик молия институтининг 73 фоиз улушини сотиб олди. Таъкидлаш керакки, Венгрия ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда, Европа Иттифоқи мамлакатлари назарда тутилди. Шу нуктаи назардан қараганда, Венгрия банки аслида Ўзбекистонда Европа ва Европада эса ўзбек бизнеси учун молия-агент ролини бажаряпти.

Бундан ташқари, Венгрия ядро энергетикасини тадқиқ қилишда жаҳонда етакчи ҳисобланади. Венгрия стандартлариға кўра, атом реакторини сув ва электр энергияси танқислигидан азият чекаётган Марказий Осиё давлатлари учун жуда муҳим бўлган сув билан эмас, балки қуруқ усулда совитиш технологияси ишлаб чиқилган.

Умуман олганда, Венгрия Марказий Осиё давлатларининг ташки сиёсати ва ташки иқтисодий алоқалари архитектура-сида ўзига хос ўрин эгаллайди. Аксарият халқро масалаларда мамлакатларнинг позициялари ҳам мос келади ёки жуда яқин.

катларида ишчи кучининг катта тақчиллиги кузатилмоқда. Ўзбекистон фўқароларининг Венгриядаги, қолаверса, Польша меҳнат бозоридаги тажрибаси ҳам бизнинг мамлакатларимиз, ҳам ишчи кучи орқича бўлган Ўзбекистоннинг умидларини тўлиқ оқлайди.

Иқтисодий Ўзгаришлар даврида Шарқий Европа тўғридан-тўғри инвестицияларнинг глобал оқимларида қўлланиладиган асосий объектларнинг бириға айланди. Бу табиий ресурслар, тегишли инфратузилма, ташки ва ички омиллар таъсирида иқтисодиёт учун имкониятлар, ишчи кучининг халқро рақобатбардошлиги, мавжуд инсон капитални, мулк ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш, молиявий воститчилик институтларининг ривожланиш даражаси билан таъминланган Ўзбекистон билан ҳамкорлиқнинг яна бир омиллидир.

гайтириш учун юқори имконият ва салоҳиятға эға. Бу борада Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқининг “GSP+” имтиёзлар тизимига киритилиши икки давлат учун янги имкониятлар ва яхши истиқболларни очди. Шу билан бирға, уларни молиялаштириш бўйича қўшма жамғарманинг ташкил этилгани муҳим сармоявий лойиҳаларни биргаликда амалға ошириш масаласига томонларнинг қизиқиши юқори эканидан далолат беради.

Президент Шавкат Мирзиёев ўзаро муносабатларнинг эришилган даражасида тўхтамасдан, кўп қиррали Ўзбекистон — Венгрия ҳамкорлигини янада кенгайтириш учун ҳали фойдаланилмаган улкан салоҳиятдан самарали фойдаланиш бўйича амалий чора-тадбирларни амалға оширишда давом этмоқда.

Сўнгги йилларда икки давлат раҳбарларининг ўзаро ташриф ва музокараларининг қизиган жадалви амалға ошири-лаётгани, натижада устувор йўналишларда ҳамкорликка оид қўллаб-қувватлаш ҳамкорлиги билан амалға оширишда давом этмоқда.

«Дунё» АА.

